ЖАМИЯТ ВА ШАХС ИҚТИСОДИЙ МАДАНИЯТИНИНГ ЎЗАРО АЛОҚАДОРЛИГИ

Ўзбекистон халқаро исломшунослик академияси
“Ижтимоий фанлар ва ҳуқуқ” кафедраси доценти
Валиев Ботир Носирович

Аннотация. Мақолада жамият ва шахс иқтисодий маданияти ўртасидаги муносабатлар, уларнинг шаклланиш омиллари ва ижтимоий ҳаётдаги аҳамияти таҳлил қилинади. Жамият иқтисодий маданияти шахс иқтисодий маданиятининг шаклланиши учун замин яратади, шу билан бирга шахс иқтисодий маданияти жамият тараққиётида фаол иштирок этишни таъминлайди. Мақолада моддий-технологик шароитлар, иқтисодий-ижтимоий муносабатлар, мулкчилик шакллари, аҳлоқий, эстетик ва ҳуқуқий маданиятнинг иқтисодий маданият билан узвий боғлиқлиги мисоллар орқали ёритилган.

Калит сўзлар. жамият иқтисодий маданияти, шахс иқтисодий маданияти, аҳлоқий маданият, эстетик маданият, ҳуқуқий маданият, ижтимоий муносабатлар, иқтисодий фаолият

ВЗАИМОСВЯЗЬ ЭКОНОМИЧЕСКОЙ КУЛЬТУРЫ ОБЩЕСТВА И ЛИЧНОСТИ

Аннотация. В статье анализируются взаимосвязи экономической культуры общества и личности, факторы её формирования и значение в социальной жизни. Экономическая культура общества создает основу для формирования экономической культуры личности, в то время как личная экономическая культура способствует активному участию личности в развитии общества. Рассмотрены материально-технологические условия,

социально-экономические отношения, формы собственности, а также связь экономической культуры с моральной, эстетической и правовой культурами.

Ключевые слова: экономическая культура общества, экономическая культура личности, моральная культура, эстетическая культура, правовая культура, социальные отношения, экономическая деятельность

INTERRELATION OF ECONOMIC CULTURE OF SOCIETY AND INDIVIDUAL

Abstract. The article examines the interrelation between the economic culture of society and that of the individual, the factors influencing their formation, and their significance in social life. The economic culture of society provides a foundation for the development of individual economic culture, while the latter enables active participation in societal progress. The study highlights material and technological conditions, socio-economic relations, forms of ownership, and the interconnection of economic culture with ethical, aesthetic, and legal cultures.

Keywords: economic culture of society, individual economic culture, ethical culture, aesthetic culture, legal culture, social relations, economic activity

Жамият иқтисодий маданияти субъект сифатида, унда ўз аксини топувчи иқтисодий фаолият ва муносабатлар объект сифатида алоқада бўлиши, шахс иқтисодий маданияти шаклланишининг дастлабки босқичи бўлиб хизмат қилади. Жамият иқтисодий маданиятининг такомиллашиб бориши натижасида, шахс иқтисодий маданияти вужудга келади. Албатта, бу ўз-ўзидан бўлмайди. Бунинг учун маълум объектив шароитлар ҳамда субъектив омиллар зарур бўлади.

Ана шундай муҳим шартлар сифатида биринчи навбатда, моддий-технологик шароит ва воситаларни кўрсатиш мумкин. Ишлаб чиқарувчи кучларнинг моддий-техник базаси унинг тараққиёти учун моддий замин бўлиб хизмат қилади. Маърифий бозор муносабатларининг мавжудлиги ҳам

жамият иқтисодий барқарорлигини таъминловчи омиллардандир. Самарали меҳнат ва ундан кўриладиган манфаатдорликнинг бевосита боғланиши бозор иқтисодий тизимининг муҳим афзаллиги бўлиб хизмат қилади. Мулкчиликнинг янги шакллари, аввалambор хусусий мулкнинг ривожланиши ўз ижобий таъсирини кўрсатади. Меҳнат самарадорлигининг ортиши билан аҳолининг турмуш тарзи ва фаровонлик даражасида сифат ўзгаришлари юзага келмоқда. Иқтисодий манфаатдорлик билан боғлиқ мақсадларга, конкрет вазифаларга бўлган онгли муносабат кўп жиҳатдан объектив жараёнлар билан белгиланмоқда. Иқтисодий-ижтимоий ислоҳотлар давомида иқтисодий муносабатлар янгича мазмун касб этиб бормоқда. Улар иқтисодий эркинлик, ўзаро манфаатли ҳамкорлик, эркин рақобат, реал ижтимоий эҳтиёжларга асосланганлиги билан фарқланиб туради.

Маълумки, шахснинг илғор иқтисодий маданият соҳиби бўлиши учун, унинг индивидуал маданияти жамият маданиятига мос келиши, унга зид бўлмаслиги керак. Ижтимоий тараққиёт қонунлари, шу жумладан иқтисодий қонунлар жамият аъзоларининг онгли фаолиятида намоён бўлади. Шунинг учун, иқтисодий маданият фақат иқтисодий фаолият ва муносабатлар билангина эмас, балки жамиятнинг умумий ривожланиши билан ҳам шартлангандир. Шу маънода, иқтисодий маданиятда ҳар бир кишининг халқимиз маънавий бойлиги ва ижтимоий фаровонлигини таъминлашдаги, жамиятни янги сифат ҳолатига эришишидаги иштироки муҳим ўринга кўтарилади. Жамият иқтисодий маданияти шахс иқтисодий маданияти такомиллашувида замин бўлиб хизмат қилар экан, ўз навбатида, шахс иқтисодий маданияти ҳам жамият тараққиёти йўлидаги фаоллик ва ижодкорликни тарбиялашга йўл очади.

Ижтимоий муносабатлар ва иқтисодий маданият доимо ўзаро таъсирлашиб, бойиб боради. Жамият иқтисодий маданияти нафақат иқтисодий мунсабатларга, балки давлат иқтисодий сиёсатининг шаклланишига ҳам фаол таъсир кўрсатади. Иқтисодий фаолиятдаги

эркинликнинг ортиши, ишлаб чиқарувчи кучларнинг юксак интеллектуаллашуви жамият иқтисодий маданияти билан уйғунликда бу таъсирни кучайтиради. Жамият иқтисодий тараққиётига бўлган зарурият, кишилар иқтисодий маданиятини улар ҳаётининг ажралмас қисмига айлантиради. Янгиланаётган жамиятимиз иқтисодий маданияти билан давлат иқтисодий сиёсатининг уйғунлашуви бу сиёсатни амалга оширишга кишиларимиз фаолиятини йўналтиради.

Ижтимоий ҳаётда маданиятнинг ҳар-хил турлари ўзаро таъсирлашувда бўлади. Бу алоқадорлик ижтимоий муносабатлар ва инсон фаолият турларининг узвий боғлиқлиги билан белгиланади. Ўз характери бўйича объектив ва моҳияти бўйича узвий бўлган бу алоқа ўз мавжудлиги ва амал қилиши бўйича икки жиҳат бирлигидан иборат. У объективдир, чунки маданият тизимининг объектив компонентлари орасидаги муносабатлар ва таъсирлашувни акс эттиради. У узвий бирликдир, чунки иқтисодий ва бошқа маданият турларида ҳам энг асосийси инсон, халқ ўз турмуши, ҳаёти, баркамоллиги билан бирга намоён бўлади. У икки жиҳат бирлигидир, чунки иқтисодий маданият бошқа маданият турларига таъсир этади ва аксинча, бошқа ҳар бир маданият тури ҳам иқтисодий маданиятга таъсир ўтказади. Маданиятнинг яхлитлиги эса шахс баркамоллигини таъминлашнинг, меҳнат самарадорлигини оширишнинг муҳим методологик негизидир.

Шахс иқтисодий маданияти билан унинг сиёсий, аҳлоқий, эстетик, ҳуқуқий маданияти узвийдир.

Иқтисодий маданият маданиятнинг бошқа шакллари билан алоқадорликда намоён бўлади. Келиб чиқиши ва ижтимоий роли бўйича *сиёсий маданият* унга жуда яқин туради. Уларнинг бирлиги узвий ва ажралмасдир. Чунки, иқтисодий ва сиёсий негизлар бўлинмасдир. Бу бирлик узилган жойда, турли бузилишлар ҳам келиб чиқади. Маданиятнинг бу икки турини фарқлар эканмиз, ижтимоий муносабатларнинг турли сифатларини назарда тутамиз. Бу сифатларнинг ажралмаслигини, сиёсат ва иқтисодиёт

бирлиги билан белгиланувчи яхлитликдан келиб чиқиб қараш мақсадга мувофиқдир. Сиёсатда иқтисодиёт бевосита акс этади, шу билан боғлиқ ҳолда жамият иқтисодий эҳтиёжлари қонунлар шаклида умумий аҳамият касб этади. Бу ҳодисаларни таҳлил этишда фикран сиёсатни иқтисоддан ажратганимиз билан, ҳаётда улар ўзига хос бирликни ташкил этаверади.

Баъзи сиёсий позицияларни ўзида ифода этгани туфайли, иқтисодий маданият ўз салоҳиятини воқеликка ижодий таъсир қилиш ва уни ўзгартириш йўли билан намоён қилади. Бу икки маданият турларининг ўзаро алоқаси уларнинг мазмуни билан ҳам белгиланади. Масалан, маълум билимни ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий маданиятнинг муҳим элементи сифатида қараш мумкин. Бунда шахс иқтисодий маданиятининг шаклланиши учун зарур бўлган билимлар, сиёсий маданият учун ҳам муҳим эканлиги яққол намоён бўлади. Шахс иқтисодий маданиятини иқтисодий назария асослари билан қуролланмасдан туриб шакллантириб бўлмагани каби, сиёсий маданиятни шаклланиши ҳам уларни ўзлаштирмасдан амалга ошиши мумкин эмас. Сиёсий ва иқтисодий маданият узвий алоқадор бўлсада, мазмунан уларни тенглаштириш мумкин эмас. Баъзида сиёсий маданияти етарли даражада шаклланган, бироқ иқтисодий маданияти паст, ёки аксинча бўлган шахслар ҳам учраб туради. Бу эса, шахс сиёсий ва иқтисодий маданиятлари бирлиги ижтимоий ҳаёт томонидан шартланган имкониятгина эканини билдиради. Бу имкониятни воқеликка айланиши учун эса, машаққатли, мақсадли, узлуксиз, ҳамда шакл ва услублари бўйича ранг-баранг мафкуравий, маънавий-маърифий тарбиявий иш олиб борилиши лозим.

Маданиятнинг яна бир тури бўлган *аҳлоқий маданият* ҳам иқтисодий маданият билан чамбарчас боғлиқдир. Бу инсон омили, шахс ҳалоллиги, аҳлоқий фазилатларининг ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини, иқтисодий фаолиятнинг бунёдкорлигини таъминлашдаги аҳамияти ортиб боришида кўринади. Аҳлоқий ва иқтисодий маданиятлар бирлашиб, ижтимоий фойдали фаолиятни шахснинг оддий эҳтиёжига айлантира олади.

Кишиларнинг аҳлоқий маданияти объектив равишда иқтисодий муносабатлар билан ҳам шартлангандир. Иқтисодий маданият эса кишиларнинг маънавий-аҳлоқий манфаатлари, иймону-эътиқодлари билан боғликдир.

Турли тарзда намоён бўладиган аҳлоқий маданият шахсий, жамоат ва умумижтимоий манфаатлар уйғунлигини талаб этувчи аҳлоқий муносабатларни тасаввурлар, қарашлар, хулқий тамойиллар, меъёрлар ва қоидаларда акс этади. Аҳлоқий муносабатларнинг моҳияти эса маълум даражада иқтисодий муносабатларга боғлиқ бўлади. Бундан келиб чиқиб, иқтисодий муносабатлар аҳлоқий маданиятнинг мазмуни ва характерини ҳам, кишиларнинг ижтимоий аҳволини, демак эҳтиёж ва манфаатларини ҳам белгилашда муҳим ўрин эгаллайди дейиш мумкин. Иқтисодий манфаатлар барча ижтимоий муносабатлар ўзгаришига ҳам олиб келади. Кишилар ғоялар, қарашлар, тасаввурлар ёрдамида ўз манфаатларини жамоа, жамият манфаатларига тобора кўпроқ бўйсундирадилар. Ишлаб чиқариш, тақсимот, айирбошлаш ва истеъмол жараёнларидаги манфаатларни қондиришга йўналтирилган фаолият, етукроқ аҳлоқий муносабатларни ва аҳлоқий онгнинг юқорироқ даражасини вужудга келтиради. Демократик жамиятда шахс ва жамият манфаатларини уйғунлаштиришга йўналтирилган барча нарса аҳлоқий саналади. Шунинг учун, аҳлоқий ва иқтисодий маданиятларнинг мақсади умумий, яъни жамият ва инсон фаровонлиги йўлида тер тўкаётган шахс ва жамоанинг аҳлоқий тасаввурлари, қарашлари, хулқ-одоб тамойиллари ва қоидаларини шакллантиришдан иборат.

Ҳозирги шароитда иқтисодий маданиятнинг аҳлоқий кучи шундаки, у жамият ва шахснинг аҳлоқий қадриятларини ҳам қамраб олади, энг тараққийпарвар, энг инсонпарвар ва адолатли иқтисодий муносабатларни ҳаётга тадбиқ этилиши учун курашга ундайди. Кишилар иқтисодий фаолиятидаги аҳлоқийлик, нафақат инсоннинг у ёки бу аҳлоқий фазилатларига, балки маълум ижтимоий гуруҳ ёки қатлам иқтисодий

маданиятига муносабат тарзида, уни маъқулловчи ёки инкор этувчи баҳолаш мезони сифатида ҳам намоён бўлади.

Аҳлоқий покликка интилиш кишиларнинг ҳатти-ҳаракатларида, қилаётган ишларида тобора кўпроқ рол ўйнамоқда, иқтисодий онгнинг мазмуни ва даражасига таъсир этмоқда. Аҳлоқий тамойиллар ва иқтисодий интилишлар уйғунлиги меҳнат самарадорлиги ва маҳсулот сифатининг ўсишида, тежамкорлик, атроф муҳитни ифлослантирмаслик кабиларда ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Маданиятнинг бу икки тури орасидаги узвий алоқа омманинг хулқида ҳам кузатилмоқда. Агарда, иқтисодий тарбия иқтисодий маданиятнинг элементи сифатида ғоявий-аҳлоқий идеалларга эришишга таъсир этаётган бўлса, аҳлоқий қадриятлар ва маънавий-руҳий муҳит аҳлоқий маданият компонентлари сифатида иқтисодий маданиятга таъсир ўтказмоқда.

Юксак аҳлоқий онгга эга бўлган кишининг ижтимоий адолатни таъминлаш учун маърифий бозор иқтисодиётининг эътиқодли тарафдори ва тарғиботчиси бўлмаслигини тасаввур этиш қийин. Одатда юксак аҳлоқли киши иқтисодий маданиятнинг муҳим хоссаларига ҳам эга бўлади. Аҳлоқий омиллар ролини менсимаслик ёки пастга уриш ҳам иқтисодий тафаккурнинг аҳамиятини камайтириш ҳам кишилар онгида у ёки бу салбий ўзгаришлар хавфини туғдиради, уларнинг аҳлоқий ёки меҳнат фаоллиги ўсишини қийинлаштиради, иқтисодий ривожланиш йўлида маълум тўсиқларни юзага келтиради.

Ҳар бир кишининг аҳлоқий ва иқтисодий фазилатлари-меҳнатда, бунёдкорлик фаолиятида, хулқида яққолроқ намоён бўлади. Шахснинг аҳлоқий қиёфаси иқтисодий воқеликда, иқтисодий маданиятида юзага чиқади. Шунинг учун, айнан меҳнатда, иқтисодий фаолият сифати ва самарадорлиги учун интилишда кишиларнинг аҳлоқий ва иқтисодий онги, фазилатлари ва фаолликлари намоён бўлади. Шу ерда маданиятнинг аҳамияти, бу фазилатларнинг ҳақиқий қиммати синовдан ўтади ҳамда

онглилик даражаси аниқланади. Аҳлоқий ва иқтисодий тарбиянинг натижалари ҳам охир-оқибатда меҳнатда намоён бўлади. Бу натижалар билан таълим ва тарбиянинг бу жараёнга қўшган ҳиссасини ҳам ўлчаш зарурдир. Шундай қилиб, иқтисодий ва аҳлоқий маданият шахснинг меҳнатга, ижодкорликка бўлган ҳалол муносабатини билдиради, ҳамкорлик, ўзаро ёрдам тамойиллари кишилар билан уларнинг хулқи одоби орасидаги уйғунлик манбаи бўлиб қолади

Юксак даражадаги иқтисодий маданият нафақат кишиларнинг ақлий ва аҳлоқий ривожланиш даражаси ҳақида, балки иқтисодий фаолиятда нафосат ва ҳиссиётнинг намоён бўлишидан ҳам дарак беради. *Эстетик маданият* эстетик дид, нафислик ҳисси, завқланиш қобилияти, санъат ва кундалик ҳаёт нафосатини тушуниш ва қабул қилиш каби жиҳатлари билан шахсни характерловчи хоссаси ҳисобланади. У иқтисодий маданият каби иқтисодий муносабатларга асосланади, инсонни жамият билан алоқасини мустаҳкамлайди, маънавий бойитади, фаолиятига қадриятли мўлжал беради, шунингдек, иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш учун эстетик билимлардан фойдаланиш малакасини ҳам ўз ичига олади. Меҳнат, ишлаб чиқариш, турмуш, илмий-техник фаолият эстетикаси, бадиий эҳтиёжлар ва манфаатлар эстетик маданият элементларига киради. Иқтисодий маданиятли шахсда бу сифатлар фаоллик, ижодкорлик, новаторлик ва шунга ўхшаш фазилатлар тусини олади. Эстетик ҳис этиш инсоннинг атроф оламга бўлган муносабати шаклларидан биридир. Эстетик ҳиссиёт ва қобилиятлар иқтисодий ҳаётда, иқтисодий муносабатларни билиш ва такомиллаштириш жараёнида ҳам камолга етишиб бораверади. Шу нуқтаи назардан қаралганда, бунёдкор иқтисодий фаолият эстетик маданиятнинг муҳим замини бўлиб хизмат қилади, ўз навбатида эса, эстетик қадрият иқтисодий маданиятнинг натижаси-иқтисодий маҳсулотнинг муҳим хоссаси бўлиб қолаверади. Иқтисодий ва эстетик маданиятларнинг бирлиги, улар орасидаги яқин алоқа гўзаллик ва меҳнат, нафосат ва фойда, санъаткор ва шахс уйғунлашувида

ифодасини топади. Жамиятнинг мақсади ва вазифалари мана шу уйғунликка имкон бериш ҳамда ижтимоий-иқтисодий муносабатларни нафосат қонунлари бўйича ривожлантиришга йўналтирилган бўлса, ижобий натижаларга олиб келади.

Иқтисодий маданиятнинг ўзига хослиги уни *ҳуқуқий маданият* билан таққослашда ҳам намоён бўлади. Бунда уларни характерловчи умумий ва фарқли жиҳатларни аниқлаш мақсадга мувофиқдир. Ҳуқуқий маданият усткурмавий ҳодисаларга, маданият ҳамда ижтимоий муносабатлар соҳаларига ҳам тегишлидир. Ҳуқуқий қонун ва қоидаларнинг бир қисми ҳеч нарсани янгидан яратмайди, балки фақат амалдаги иқтисодий ва сиёсий муносабатларни тартибга солиб туради.

Ҳуқуқий маданият иқтисодий соҳадаги муносабатлар негизида юзага келади. Шунинг учун, унинг тартибга солиш функцияси иқтисодий ва сиёсий муносабатларни такомиллаштиришда улкан аҳамиятга эгадир. Шахснинг ҳуқуқий ҳиссиётлари ва тасаввурлари доимо худди сиёсий тузум каби, иқтисодий тузум, иқтисодий муносабатлар, иқтисодий маданият билан чамбарчас боғлиқ тарзда шаклланади.

Маълумки, ҳуқуқий қоидалар, меъёрлар, қонунлар худди иқтисодийлари каби, баҳолаш характерига эга бўлади. Иқтисодий ва ҳуқуқий онг шахс онгининг ажралмас қисмлари бўлиб, улар ўзаро яқиндан боғланган, яъни ягона объектив асосга, умумий мақсад ва вазифаларга эга. Шу билан бирга, ҳуқуқий маданиятнинг ҳар бир элементи махсус, фақат унга хос бўлган функцияларга эга бўлади. Ҳуқуқий муносабатлар, ҳуқуқий маданият мавжуд давлат билан боғлиқ равишдагина амал қила олади. Бу, иқтисодий ва ҳуқуқий маданиятлар ўзаро яқин бўлиши билан бирга, яхлит маданиятнинг ҳар-хил ва ўзига хос турлари эканидан далолат беради.

Иқтисодий маданият тушунчаси мазмунининг таҳлили қуйидаги *хулосаларни* чиқариш ҳамда таърифлаш имконини беради:

1. Иқтисодий маданият инсоният умумий маданиятининг ажралмас қисми, иқтисодий муносабатлар ва жараёнлар билан узвий боғлиқликда намоён бўладиган ҳамда муттасил ўзгариб, такомиллашиб борадиган мазмундор ва серқирра ижтимоий-тарихий ҳодисадир.

2. Жамият ва шахс иқтисодий маданиятини ўзаро алоқадорликда таҳлил этиш бу мураккаб ҳодисанинг мазмунини кенгроқ ёритиш, уни тўлароқ тушуниш ва моҳиятини аниқлашга йўл очади.

3. Иқтисодий маданиятни бошқа маданият турлари билан таққослаш бир томондан, унинг ўзига хослигини белгилаб олиш, бошқа томондан эса, уни яхлит маданият ҳодисаси сифатида тушуниш, мазмунини тўлароқ тасаввур қилиш имконини беради

4. *Жамият иқтисодий маданияти* - ижтимоий ҳаётнинг моддий негизини яратиш ва таъминлаш борасидаги фаолият, шу фаолият усуллари, воситалари, йўллари ҳамда натижалари бирлигидир.

5 *Шахс иқтисодий маданияти* - унинг жамиятдаги мавқеи ҳамда вазифалари билан боғлиқ иқтисодий, ташкилий, технологик билимлари, жамият тараққиёти ва иқтисодий ўсишнинг объектив қонуниятлари ҳақидаги илмий тасаввурлари, ижтимоий ва шахсий манфаатлари уйғунлигига асосланган эътиқоди, бунёдкорлик мақсади йўлидаги фаол амалий ҳаракатлари, уларни бажара олиш борасида эгаллаган кўникма, малака ва маҳоратининг яхлит намоён бўлишидир.

Мазкур тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, жамият ва шахс иқтисодий маданияти ўзаро чамбарчас боғлиқ, бир-бирини тўлдирувчи ва ривожлантирувчи мураккаб ижтимоий ҳодисадир. Жамият иқтисодий маданияти шахс иқтисодий маданиятининг шаклланиши учун зарур объектив шароит ва институционал асос яратади. Шу билан бирга, шахс иқтисодий маданияти жамият иқтисодий тараққиётини таъминловчи муҳим субъектив омил сифатида намоён бўлади. Таҳлиллар шуни кўрсатдики, иқтисодий маданиятнинг шаклланиши моддий-технологик база, ижтимоий-иқтисодий

муносабатлар, мулкчилик шакллари ва бозор механизмларининг ривожланганлик даражаси билан бевосита боғлиқ. Айниқса, иқтисодий эркинлик, рақобат муҳити ва манфаатдорлик тамойилларининг қарор топиши шахснинг иқтисодий фаоллигини оширишда муҳим аҳамият касб этади. Бу эса ўз навбатида жамиятда самарали меҳнат, фаровонлик ва ижтимоий барқарорликни таъминлашга хизмат қилади.

Шу билан бирга, иқтисодий маданиятни алоҳида, мустақил ҳодиса сифатида эмас, балки бошқа маданият турлари — аҳлоқий, сиёсий, эстетик ва ҳуқуқий маданиятлар билан узвий бирликда кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Чунки шахснинг иқтисодий фаолияти унинг аҳлоқий қадриятлари, ҳуқуқий онги, эстетик диди ва сиёсий қарашлари билан бевосита боғлиқ ҳолда намоён бўлади. Бу бирлик жамият тараққиётининг барқарор ва уйғун ривожланишини таъминлайди. Тадқиқот жараёнида аниқландики, юксак иқтисодий маданиятга эга бўлган шахс нафақат иқтисодий жиҳатдан фаол, балки аҳлоқан баркамол, ҳуқуқий жиҳатдан онгли ва эстетик диди ривожланган шахс сифатида шаклланади. Бундай шахслар жамиятда ижтимоий масъулиятни ҳис этади, умумий манфаатларни шахсий манфаатлар билан уйғунлаштира олади ва инновацион, бунёдкор фаолият орқали тараққиётга ҳисса қўшади. Шу нуқтаи назардан, жамиятда иқтисодий маданиятни юксалтириш масаласи фақат иқтисодий ислоҳотлар билан чекланиб қолмасдан, балки кенг қамровли маънавий-маърифий, тарбиявий ва институционал чора-тадбирлар орқали амалга оширилиши лозим. Айниқса, таълим тизимида иқтисодий билимларни чуқур ўзлаштириш, ёшларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, аҳлоқий қадриятлар ва ҳуқуқий маданиятни мустаҳкамлаш устувор вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, жамият ва шахс иқтисодий маданиятининг уйғун ривожланиши барқарор иқтисодий ўсиш, ижтимоий адолат ва умумий фаровонликка эришишнинг муҳим шарти ҳисобланади. Ушбу уйғунликни

таъминлаш эса ҳар бир шахснинг онгли фаоллиги, жамият институтларининг самарали ишлаши ва давлат сиёсатида иқтисодий ҳамда маънавий омилларнинг ўзаро мувофиқлашувига боғлиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2021.
2. Мирзиёев Ш.М. Инсон қадри учун. – Тошкент: Ўзбекистон, 2022.
3. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (янги таҳрир). – Тошкент: Ўзбекистон, 2023.
4. Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги Қонуни. – Тошкент, 2020.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг иқтисодий ислоҳотларга оид қарор ва фармонлари тўплами. – Тошкент, 2021–2024.
6. Абдуллаев Ё. Иқтисодий назария. – Тошкент: Янги нашр, 2021.
7. Тошмуродов Ш. Иқтисодий маданият ва унинг ривожланиш омиллари. – Тошкент: Фан, 2022.
8. Рахимов А. Ижтимоий-иқтисодий муносабатлар трансформацияси. – Тошкент: Университет, 2023.
9. World Bank. World Development Report 2021: Data for Better Lives. – Washington DC, 2021.
10. World Bank. World Development Report 2023: Migrants, Refugees, and Societies. – Washington DC, 2023.